



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

2007 йил 6 ноябрь, сешанба. Махсус сон (47/645)

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ДАХЛДОРЛИК

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг
IV Курултойи тўғрисида ахборот



Жорий йилнинг 3 ноябрь кунини пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг IV Курултойи бўлиб ўтди. Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларидан сайланган делегатлар, партия Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Курултойни Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмухамедова очди. Делегатлар томонидан Курултой ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Шундан сўнг анжуман кун тар-

тибидagi биринчи масала – Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг 2005-2007 йиллардаги фаолияти бўйича партия етакчиси Д.Тошмухамедованинг ҳисоботи тингланди.

У ўз маърузасида сўнгги йилларда партия фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар рўй берганини, аъзолар ва хайрихоҳлар сафи тобора кенгайётганини, қолаверса, партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси ўзига хос фаоллик ва ташаббускорлик билан иш олиб бораётганини, бу мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар самараси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Даржақат, ҳозирги кунда «Адолат» СДП ўз сафарига 60 мингдан зиёд аъзоларни бирлаштирган, 1700 та бошлан-

ич ташкилотга эга. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 10 нафар, маҳаллий Кенгашларда эса 167 нафар депутат қизгин фаолият юритмоқда. Партия фаолларининг сайёҳаракати билан ташкил этилаётган турли хил тадбирлар, амалий ишлар самараси ўлароқ, жамиятда партия нуфузи юксалиб бормоқда. Шу билан бирга, фаолиятда ҳали айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланяпти. Дилором Тошмухамедова Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси олдинда турган муҳим вазифалар тўғрисида гапирар экан, айрим вилоят Кенгашлари фа-

олиятига таҳлилий-танқидий баҳо берди.

Шундан сўнг Курултой кун тартибидagi иккинчи масала – Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий Тафтиш комиссиясининг 2005-2007 йиллардаги фаолияти тўғрисида комиссия раиси Абдураҳмон Нишонов маъруза қилди. Маърузачи ўз ҳисоботида сўнгги уч йил давомида партия даромадлари ошганини қайд этди. Чунинчи, йилдан-йилга аъзолик бадаллари миқдори ортиб бораётган. Масалан, 2006 йилда 11 миллион 200 минг сўм аъзолик бадаллари йиғилган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 14 миллион 640 минг сўмни ташкил этди.

Партия Сийёсий Кенгашининг 2005-2007 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ҳамда Марказий Тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботи маърузаси юзасидан партия Сийёсий Кенгаши аъзоси Турғунпўлат Даминов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Зухра Ботирова, Сурхондарё вилоят Кенгаши котиби Шохид Жумаева ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. (Давоми 2-бетда)

СОЛНОМА

КУРУЛТОЙДАН КУРУЛТОЙГАЧА

2004 йил 30 октябрь

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг III Курултойи ўтказилди. Курултойи ишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан 170 нафарга яқин делегатлар, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Курултойда «Адолат» СДПнинг ўтган беш йил давомидаги фаолияти, бугунги кунда олиб борилаётган иш-

лари, партиянинг Сайловолди дастури, сайлов кампаниясидаги иштироки, партия Дастури ва Низомига ўзгаришлар киритиш, Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, Курултойда партия Сийёсий Кенгаши ва Марказий Тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди.

2004 йил декабрь –
2005 йил январь

26 декабрда бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 10 киши – Дилором Тошмухамедова, Абдулла Абдуназаров, Мамит Асқаров, Абдурафиқ Аҳадов, Ойша Оху-

нова, Зухра Ботирова, Худойёр Маматов, Юсубжон Нишонов, Исмоил Саифназаров ва Собир Турсунов сайланди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига партиядан 169 та депутат сайланди.

2005 йил 24 январь

Парламент сайловлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, партия Сийёсий Кенгашининг навбатдан ташқари II Пленуми қаъририлди.

Унда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши биринчи котиби этиб Дилором Тошмухамедова сайланди.

2005 йил 12 февраль

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Фидокорлар» Миллий-демократик партияси фракциялари билан биргаликда ташкил этилган Демократик блокка бири-лашди. Бу «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси партия дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун парламентада кўпчилик овозга эга бўлиш имкониятини яратди.

биргаликда ташкил этилган Демократик блокка бири-лашди. Бу «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси партия дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун парламентада кўпчилик овозга эга бўлиш имкониятини яратди.

2005 йил 29 сентябрь

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг II Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда партия III Курултойи томонидан унга берилган ваколатлар доирасида Ўзбекистон «Адолат» СДП Уставининг янги тахририни тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Янги тахрирдаги Уставада партия ташкилий тузилмавий таркиби такомиллаштирилди. Партиянинг раҳбар, икромия ва назорат органлари ваколатлари аниқлаштирилди. Барча по-

нонадаги партия раҳбар органларининг ваколатлари, уларга сайланиш ва таркибини шакллантириш тартиблари белгилаб қўйилди. Аввалги Низомда кўрсатилмаган, лекин зарурит тўғрисида Сийёсий Кенгаш таркибидида амалда иш юритган Сийёсий Кенгаш Марказий аппаратининг ҳам ваколат ва функциялари тўла ёритиб берилди.

2005 йил 17 декабрь

Илк бор Биринчи Умумпартия конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда 2006-2009 йилларга мўлжалланган Фаолият дастурини тасдиқлаш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Фаолият дастури Уставада белгиланган мақсад-вазифаларни қандай амалга ошириш механизмларини белгилаб берди.

2006 йил 23 август

«Адолат» СДП фракцияси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон мустақиллигига 15 йил: ижтимоий-иқтисодий тараққиёт истискоболари» мавзусида анжуман ўтказилди.

Унда миллий тараққиётнинг 15 йиллик даври сарҳисоб қилиниб, халқимиз фаровонлигининг ошишига омил бўлган иқтисодий риёвжланиш йўналишлари муҳокама қилинди. 2006 йилнинг 11 августидида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида келгуси 2007 йилдаги давлатимизнинг Солиқ сийсати концепцияси таҳлил этилди.

2006 йил 10 ноябрь

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма мажлиси ўтказилди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сийёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституция-

вий Қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тўзатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолиятидаги роли масалалари муҳокама этилди.

Мажлис ўз қарори билан мазкур қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини партия аъзолари ва фуқароларга тушунтириш ҳамда кенг ёритиш юзасидан тадбирлар режасини тасдиқлади.

СИНОВ, ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши биринчи котиби

Дилором Тошмухамедованинг Ўзбекистон «Адолат» СДП IV Курултойидаги маърузаси

Ассалому алайкум, ҳурматли курултой иштирокчилари! Азиз партиядошлар!

2005-2007 йилларда мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ислохотларни чуқурлаштириш ва демократик жараёнларни амалга ошириш борасида улкан ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган мақсадда Ўзбекистон мустақиллигини янада ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатда жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш мақсадида бошланган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, давлат ҳокимиятини мустахкамлаш, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг янги икки палатали профессионал парламентини шакллантириш бўйича дадил қадамлар ташланди. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сийёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Сўнгги йилларда фуқароларнинг оғи ва дунёқарашининг ўзгариши, бозор ислохотларининг чуқурлаштирилиши, мулкдорлар синфининг ривожланиши, сийёсий партияларга қатор имтиёзлар берилиши ва демократиянинг турмуш тартибидида кенг қўламли ижтимоий-сийёсий вазият яхшидан келди.

Мана шундай ижтимоий-сийёсий вазият «Адолат» социал-демократик партияси фаолиятида ҳам ёрқин эи қолдириди. Партиямиз мамлакатда ижтимоий йўналишларга бозор иқтисодиётига асосланган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга, халқ турму-

шини яхшилашга, қонун устуворлигига эришишга, демократия ва ижтимоий адолат, принциплари тўла қарор топишига қаратилган кенг қўламли фаолиятини авж олдириди. «Адолат» социал-демократик партияси мустақил Ўзбекистоннинг суверенитетини янада мустахкамлаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамиятини, келажаги буюк давлатни барпо этишга қаратилган умуммиллий стратегияни тўла-тўқис қўллаб-қувватлади. Айни пайтда, биз давлатимиз бу стратегик мақсадларига эришиш ва жамиятимиз олдинда турган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ўз ҳаракат дастурларимизни илгари сурдик.

Партияимизнинг ҳисоботи давридаги фаолияти мустақиллик ва демократия юзасига, шахсонинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга, қонун ва адолат, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат туйғуларини эъозлашга йўналтирилди. Натижада мамлакатимизнинг ижтимоий-сийёсий ҳаётида «Адолат» социал-демократик партияси салмоқли маевга эриша бошлади. Жамиятда партияимизнинг нуфузи ортиб бораётганини, партия аъзоларининг сони кўпайётганини бунинг далилидир.

«Адолат» партияси ҳозирги кунда ўз сафарига республикамнинг 188 та аҳоли яшаш жойларидаги 1700 та бошлангич ташкилотга жамланган 60 мингдан зиёд аъзоларни бирлаштирган. Улар орасида маҳаллий Кенгашлар депутатлари сони 167 нафарни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фракциясидаги фаолият юритаётган депутатлар сони эса 10 нафарни ташкил этади.

Хисоботи даврида «Адолат» социал-демократик партиясининг Биринчи Умумпартия Конференцияси ўтказилди. Унда илк бор партиянинг 2006-2009 йилларга мўлжалланган Фаолият Дастури қабул қилинди. Дастурда 12 йўналиш бўйича вазифаларимиз аниқ белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, бу вазифаларни амалга ошириш механизми ҳам ишлаб чиқилди.

Дастурда қайд этилган ижтимоий ҳимояни кучайтириш, солиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, ёшлар сийсатига оид мақсадлар партия аъзолари ҳамда электоратининг истак ва иродаларини ифодалаётгани партияимизнинг фуқаролар орасида обрў-эътиборининг юксалишига, ташкилотларимиз фаолиги ошиши ҳамда сафдошларимиз сони ўсишига хизмат қилаётганлиги шубҳасиздир.

Хисоботи даврида «Адолат» СДП фаолиятида қуйидаги йўналишлар устувор этиб белгиланди:

- ижтимоий-сийёсий ислохотларни янада жадаллаштириш;
- аҳолининг ижтимоий мулкдорлигини таъминлаш;
- иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш ва такомиллаштириш;
- солиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш;
- илм-фан ва маданият соҳасидаги ислохотларни давом эттириш ҳамда унга эътиборни янада кучайтириш;
- суд-ҳуқуқ тизимини ислохот этиш ва уни янада либераллаштириш;
- аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш;
- ёшларга оид сийсатни такомиллаштириш;
- тинчликсевар ва прогрессив ташкил сийсатини қўллаб-қувватлаш;

«Адолат» СДП Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини янада жонлантириш;

- партия аъзолари сийёсий фаолигини ошириш.

Мазкур йўналишлар бўйича партияимиз ҳозир ҳам жиддий иш олиб бормоқда. Хисоботи давридаги фаолиятимиз тўғрисида тўлароқ тасаввур ҳосил бўлиши учун 2005-2007

йилларда бажарилган ишларимиз билан яқинроқ таништириш мақсадида мувофиқдир.

Аввало, партияимизнинг самарали фаолият олиб боришига «Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қўлға кириши катта туртки бўлди. Бунинг натижасида жойларда ҳудудий партия ташкилотларимиз фаолиятини мустахкамлаш, партия аъзолари сафини кенгайтириш ва партия Устав фаолияти учун зарур ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш бирламчи вазифа этиб белгиланди. Шу боис, икки палатали профессионал парламент фаолиятининг бошланиши Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракциясига катта масъулият юкланди. Натижада қонун ижодкорлигига профессионал ёндашиш, депутатларнинг вилоят партия ташкилоти фаолиятига қўмақ бериш ва назорат қилиш, партиянинг сайловчилар билан алоқасини мустахкамлашга замин яратилди. Бу партиянинг амалдорий вазифаларини амалга оширишда катта имконият туғдирди.

Утган уч йил мобайнида «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси 80 дан ортиқ қонун лойиҳаларини муҳокамадан ўтказиб, 700 дан зиёд тақлифлар тайёрлади.

Фракцияимиз тўртта қонунни яратиш ташаббуси билан чиқди. Булар орасида «Халқлиқ судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Халқаро шар-

тномалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Тиббий фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳалари айнан партияимиз фаоллари томонидан амалга оширилди. Айни пайтда, яна бир қанча долзарб қонун лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлган аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятда тутган ролини ошириш мақсадида фракция қўллаб-қувватлаш аниқламаларини ташкил этди. Жумладан, «Инсонлар савдосига (трафик) қарши курашининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари», «Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиниши», «Оила давлат ҳимоясида: ютуқлар ва муаммолар» мавзусидаги тадбирлар шулар сирисидандир. Айниқса, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномованинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча-чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ҳисоботи муҳокамаси қизгин мунозараларга бой бўлди. Анжуманда билдирилган тавсия ва ҳулосалар Ўзбекистон хотин-қизларининг фаолигини ошириш Давлат дастурини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда)

«Адолат»га обуна бўлинг!



СИНОВ, ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби

Дилором Тошмухамедованинг Ўзбекистон «Адолат» СДП IV Курултойидаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

2006 йил – “Хомийлар ва шифокорлар йили”да партия фаолият Дастурида белгиланган юқори даражадаги тиббий хизматни кафолатловчи қонунлар туркумини яратиш вазифасини амалга ошириш мақсадида фракция депутатлари томонидан “Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзусида амалий конференция ўтказилди. Муҳокамалар натижасида ишлаб чиқилган тақлифлар қонун лойиҳасини мукамаллаштиришга ва тизимни янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

Партия мамлакатда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга ва янада либераллаштиришга оид тақлифлар ишлаб чиқиш, қичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширди. Бу ўринда “Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ошириш омиллари”, “Ўзбекистон мустақиллигига 15 йил: ижтимоий-иқтисодий тараққиёт истикболлари”, “Ўзбекистонда микрокредит ва унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусида ўтказилган давра суҳбатлари ва семинарларни таъкидлаш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг бу каби муҳим масалалари муҳокамаси кейинчалик ҳудудий ташкилотларимизда, тадбиркорлар билан учрашувларда давом эттирилди.

Фаолиятимиздаги бундай ҳаракатларни беҳиз амалга оширмадик. Зеро, Қонунчилик палатасининг илм йиғилишида айнан Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясига “кўпроқ давлат бюджети билан боғлиқ масалалар билан шуғулланиш” масъулияти ишониб топширилган эди. Шу боис ҳам, фракция “Солиқ масалалари бўлими”, “Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари бўлими”, “Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сонининг қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси афим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киратиш бўлими”, “Кредит уюшмалари бўлими”даги бир қанча қонун лойиҳаларининг яратилишига юксак масъулият билан ёндашди. Бу жараёнда депутатлардан ташқари, мутахассислар, экспертлар тақлиф қилиниб, ҳар бир масала чуқур таҳлил этилди ва синчковлик билан ўрганилди.

Партия дастурининг бошқа йўналишларини амалга ошириш юзасидан ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилди.

Бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда билдирилган тақлиф ва мулохазалар ўрганилиб, қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси қўмиталарига ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

2006 йил ноябрь ойида “Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш бўлими”даги Конституциявий Қонун лойиҳасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилиши жамиятимиз ҳаётини янада демократлаштириш сари ташланган дадил қадам сифатида жамоатчилигимиз томонидан эътироф этилди.

2006 йил 4 декабрда бўлиб ўтган партиянинг Сиёсий Кенгашининг VI Пленумида ҳам мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси “Адолат” СДП фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Пленумда, тақлиф этилган қонун лойиҳаси сиёсий партияларга берадиган ҳуқуқий имкониятлардан самарали фойдаланиб, “Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг ўз фаолиятини кучайтириш ва янгилаш юзасида ҳаракат қонунчилигини”ни ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Концепцияда партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, партия ташкилотлари ва раҳбар органлари таркибини маънавий ва сиёсий жиҳатдан етук янги аъзолар ҳисобига кучайтириш масаласи биринчи галдаги вазифа эканлиги қайд этилди.

Мазкур ҳужжатлардаги яна бир устувор йўналиш – бу партия электоратининг хоҳиш-иродасига мос тушадиган, ҳамма учун тушунарли ва оммабоп бўлган партия мафкуриси – социал-демократиянинг ўзбек моделини яратиш, партия ташкилотларининг аҳоли орасида олиб борадиган тарғибот, маданий-маърифий тадбирларнинг таъсирчанлигини ҳамда савиясини юксалтиришдан иборат бўлди. Бу мафкурaviй модель ҳалқимиз интеллигентлиги, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, ҳалқаро социал-демократик ҳаракатнинг асосий принципларини ўзига муҳассамлаштириш лозим, деган фикрдимиз.

Хисобот даврида ҳудудий партия Кенгашлари фаолиятини жонлантириш, партиянинг аёллар ва ёшлар қанотларини фаоллаштиришга ҳам катта аҳамият қаратилди.

Конституциявий қонун билан боғлиқ 2007 йил 7 апрелда Тошкент шаҳрида “Партиявий фаолиятни кучайтириш ва ишга ёндашувини янгилаш” мавзусида ўтказилган семинар-кенгаш ҳамда мазкур мавзуда жорий йилнинг 14 апрелдан 31 июнигача барча партия Кенгашларида ўтказилган сайёр семинар-кенгашлар қабул қилган қарорларда ҳам Конституциявий қонуннинг Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг сиёсий фаолиятида катта аҳамиятга эгалиги, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар жараёнида муҳим босқич эканлиги эътироф қилинди. Конституциявий қонун “Адолат” СДП фаолиятини ривожлантиришга, партия фаолиятининг сиёсий масъулиятини ошириш ва уларни янада жипслаштиришга хизмат қилаётди.

Бирок, тадбирларда сиёсий партияларга берилган бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, дастурий мақсадларни рўйбга чиқариш учун фаолиятимизни тубдан кучайтириш ва партия ташкилотларининг ишга ёндашувини янгилаш керак, деган фикрлар таъкидланди.

Партия ташкилотларимиз 2007 йилнинг 1 январидан шу кунгача мамлакат ҳаётига оид, шу жумладан, янги қабул қилинган Конституциявий қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, ўрганиб чиқиш ва кенг ёритиш, ёшларнинг сиёсий фаолиятини оширишга қаратилган 700 га яқин тадбирлар ўтказди. Уларда 90 мингга яқин партия фаоллари ва фуқаролар иштирок этишди.

2007 йили ўтказилган тадбирларнинг асосий қисми маъмулан теран, таъсир доирасига кўра кенг бўлиб, сифат жиҳатидан ҳам 2006 йилдаги тадбирлардан ажралиб турди.

Партиямиз таркибий тузилмалари орасида Андижон, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоят партия Кенгашларининг ҳисобот давридаги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ўтган ўй йил мобайнида Андижон вилояти Кенгаши маънавий-маърифий, спорт ва бошқа оммавий турдаги тадбирларни ўтказишда, ижтимоий химояга муҳтож қатламларга моддий ва маънавий ёрдам беришда катта ютуқларга эришди.

Самарқанд вилояти партия Кенгаши эса, вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда истеъмолчилар ҳуқуқлари муҳофазасига қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Бизни қувонтирадиган яна бир жиҳат, бу вилоятда партия аъзоларининг сони кундан-кунга ортиб боришидир.

Хоразм вилоят партия Кенгашида ҳам адолатпарвар ва қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўшадиган аъзолар фаолият юритишдади. Бу партия Кенгаши ижрочилик интизомига қатъий риоя этаётган қучли ҳудудий партия ташкилотларимиздан биридир.

Қашқадарё вилоят партия Кенгаши ҳисса давр ичида ҳам ташкилий, ҳам тузилмавий жиҳатдан тикланди. Мазкур партия Кенгаши аҳоли ўртасида обрў-эътиборини ошириб, бугунги кунда молиявий бақувват ташкилотга айланди.

Бу мисолларни келтиришимиздан мақсад шуки, мазкур ҳудудий партия Кенгашларининг самарали фаолиятлари

боис жойларда партия нуфузи ошибгина қолмай, балки бошқа партиялар Кенгашларига ҳам ўрнак бўлмоқда.

Жиззах вилоятида “Еш адолатчилар” Кенгаши, Сирдарё вилоятида эса “Хотин-қизлар” Кенгаши ўз фаолиятлари билан қўнчилиқнинг эътиборини қозонмоқда.

Сурхондарё, Фарғона, Бухоро ва Наманган вилоятлари партия Кенгашлари оммавий тадбирларни юксак савияда ўтказмоқда. **Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати, партия фаоли Хайитмурод Раҳимов ташаббуси ва жонқарлиги билан Бойсун тумани Чилонзор маҳалласида “Хўжаймоҳона-Чилонзор” магистраль сув қувури ўтказилиб, турта тоғли қишлоқ аҳолиси сув билан таъминлангани таъсирга сазовордир.**

Тошкент шаҳар Кенгаши эса партиявий-ташкилий ишларни тартибга келтириб, тузилмавий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлади. “Ижтимоий химоя йили” муносабати билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган инсонларга моддий қўлбем бермоқда. Хуллас, шаҳар партия Кенгаши, бошқа ҳудудий партия Кенгашлари ва бошқа партиялар билан бемалол рақобатга кириша оладиган ташкилотга айланди.

Барча ҳудудий партия Кенгашлари “Ижтимоий химоя йили” муносабати билан ҳамда партиянинг дастурий вазифаларидан қайтариб, жорий йилнинг ўн ойи давомида хайрия мақсадлари учун 15 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлади, мазкур йўналишда оид 55 марта тадбир ўтказди.

Муҳтарам партиядошлар! Партиямиз фаолияти ўзининг Устави ва Фаолият Дастурида илгари сурилган талаб ва вазифаларга тўлиқ жавоб бериши учун мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш талаб этилмоқда. Хисобот даврида партиямиз фаолиятида айрим қамчиликларга ҳам йўл қўйилди. Ташкилотларимизда партиявий интизомни мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ ишларимизни янада жалдлаштиришимиз керак. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида партия фаолияти тарғиботида эътиборни кучайтириш лозим. Чунки, бу бизнинг халқ орасида кўпроқ обрўга, нуфузга эга бўлишимизга ижобий таъсир этади.

Хабарингиз бор, вилоят Халқ депутатлари Кенгашларида бўлиб ўтган сайловларда Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Фарғона ва Навоий вилоят партия ташкилотлари кўрсатган номзодлар самарали натижаларга эришдилар. Бирок, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бўшаб қолган ўринларига бўлиб ўтган сайловларда Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоят партия Кенгашлари суст қатнашди.

Қўриб турибсизки, зиммамизда улуғ ва кенг кўламли вазифалар турибди. Ҳисобот даврида йўл қўйилган хато ва қамчиликларимизни чуқур таҳлил этиб, тўғри хулоса чиқаришимиз лозим.

Бугун Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўз тараққиётининг янги сифат босқичига кўтарилиши учун зарур ҳуқуқий заминга эга, дейишга ҳақликамиз. **Биринчидан**, жамиятимизнинг янада демократлашуви ва эркинлашуви, **иккинчидан**, “Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш бўлими”даги Конституциявий қонун қабул қилинганлиги ва **учинчидан**, жойларда партия аъзоларининг сони ўсаётганлиги ҳамда партия ташкилотлари ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланаётганлиги шундай дейишга асос беради.

Бугун ўз ичимизга муносабатни ўзгартиришимизга, қуйидаги юқори бўғингача бўлган партия фаолиятини такомиллаштириш йўллари янгилашимиз зарур. Бунинг ҳаётининг ўзи қатъий тарзда қўн тартибига қўймоқда. Биз партиявий ишга янги усул ва услубларни жорий этишимиз, аҳоли орасида чуқур ва мустаҳкам илдиш отишимиз зарур. **«Адолат» социал-**

демократик партияси **гойлари ҳар бир юртдошимиз кўнглидан жой олсин, уни бизнинг сафимизга қўшилишга қорласин! Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида партиямизнинг ролини кучайтириш омиллари ҳар бир «адолат»чининг муқаддас бурчига айланмоғи керак!**

Биз партиявий ишнинг қуйидаги асосий йўналишларига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим, деб ўйлайман:

Биринчидан. Партиянинг ташкилий тузилмасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўз сафларимизга ижтимоий адолат ва демократия гоялари тамойилларини қўллаб-қувватловчи янги тарафдорларни жалб этиш учун мамлакатимизнинг барча минтақаларида аҳоли билан янада фаолроқ иш олиб боришимиз керак. Биз фақат ишчилар, деҳқонлар, зилиларнинг эмас, балки касби, фаолият соҳаси ва меҳнат муносабатлари туридан қатъи назар, аҳоли бошқа гуруҳларининг ҳам иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини доимо химоя қилишимиз зарур. Партия адолат ва демократия тамойиллари неғизда халқимизнинг асосий қисми манфаатларини яқинлаштириш, адолатли, демократик жамиятнинг асосий таъини бўлган қудратли ўрта синфни вужудга келтириш тарафдоридир.

Иккинчидан. Партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини такомиллаштириш, депутатлик ишнинг янги шакл ва усулларини излаш лозим. Чунки, биз парламентда – республика вазирликлари ва идоралари раҳбарларининг, халқ депутатларининг, туман ва шаҳар Кенгашларида эса, ижро ҳокимияти тегишли органлари раҳбарларининг амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш амалиётини изчил давом эттиришимиз керак.

«Адолат» партияси фракцияси депутатлари бундан бўён ҳам янги ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва амалдагиларини такомиллаштиришда фаол иштирок этишлари лозим. Бунда биз, илгари бўлганидек, асосий эътиборни қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий йўналишларининг, уларнинг партиямиз дастурида қайд этилган адолат ва демократия тамойилларига мувофиқ бўлишга қаратамиз.

Учинчидан. Марказда ва жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда, халқ фаровонлигини оширишда партиянинг ролини кучайтириш керак. Шу мақсадда биз маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа демократик институтлар билан ҳамкорликни кучайтириш, аҳоли истиқомат жойларида жамоатчилик қабулхоналари, адолат комиссияларини очилишимиз лозим. Биз турмушимизнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишда барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-гайратини гоямиз ва мақсадларимиз атрофида бирлаштиришимиз зарур.

Тўртинчидан. Партиямизнинг матбуот органи – «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси фаолиятини жонлантиришимиз лозим. Хурматли дўстлар! Фурсатдан фойдаланиб, яна бир муҳим ва долзарб масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Маълумки, партия Сиёсий Кенгашининг Пленумида биз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бевосита ва фаол қатнашишга қарор қилдик. Зеро, ўз қадрини биладиган ҳар қандай партия бу йирик ижтимоий-сиёсий воқеадан четда қолишга ҳақли эмас. Турли сиёсий қучлар иштирок этадиган ҳар қандай сайлов кампанияси, бу аввало, гоялар, нуқтаи назарлар қураши, партия дастурларининг рақобатидан иборатдир. Бу – жамиятимиз аъзолари партия таъсирини кучайтириш, энг долзарб масалаларни ҳал этишда бевосита қатнашиш ҳуқуқидан фойдаланиш имконидир.

Сайлов кампаниясида «Адолат» партияси олдида қандай вазифалар турибди?

Биринчидан, мамлакат Президенти сайлови билан боғлиқ тадбирларда тарғибот-ташвиқот ишини кенгайтириш, партиянинг мақсад ва вазифаларини, биз олдинги йилларда эришган натижаларни тушунириш учун фойдаланиш асосий вазифамиздир. Сайлов кампанияси «Адолат» партияси гоялари ва принципларини фаол тарғиб қилиш, ўз сафларимизга янги тарафдорларни жалб этиш учун жуда катта имкониятдир. Очик тан олишимиз керак, ҳамон мамлакатимизнинг турли минтақаларида партиямизнинг, унинг мақсад ва вазифаларини яхши билмайдиган, таниш бўлса ҳам жуда юзаси тасаввурларга эга бўлган одамлар бор.

Иккинчидан, аҳоли билан мулоқот ва учрашувлар мобайнида биз долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг самарали омилларини яратишимиз, жойларда давлат ҳокимияти идораларининг фаолияти устидан жамоат назоратини амалга оширишимиз лозим. Бунда амалдаги қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорларига асосланшимиз даркор.

Учинчидан, сайлов кампаниясида партиямизнинг сиёсий етуқлигини намойён қилишимиз, унинг сафлари сўнгги йилларда сезиларли натижада мустаҳкамланганини, янги давр талаблари асосида ўз ишини қайта қуриб олганини ва мамлакат сиёсий майдонида муносиб ўринга эгаллигини кўрсата олишимиз керак.

Тўртинчидан, Республика Президенти сайловини муносиб ўтказиш жараёнида аҳоли билан ишлаш усулларимизни такомиллаштириш мумкин. Биз партиямизнинг энг яхши қучларини, интеллектли салоҳиятини мана шу йўналишга самарбдор этишимиз лозим. Бугун «Адолат» СДП сафларида зиёлилар, ишлаб чиқариш соҳасининг етакчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари бор. Улар партия олдида турган вазифани муваффақиятли ҳал этишга қодир, деб ўйлайман.

Хурматли курултой қатнашчилар!

Шу ўринда эътиборингизни яна бир муҳим масалага қармоқчиман. Маълумки, Сайловолди дастури номзод Республика Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатда олингандан сўнг матбуотда эълон қилинади. Лекин бугун Сайловолди дастури лойиҳасининг асосий йўналишлари тўғрисида фикрлашиб олиш мақсадида мувофиқдир.

Сайловолди дастуридан қуйидаги устувор йўналишлар ўрин олган:

Биринчи устувор йўналиш – иқтисодий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришдан иборат. Шу муносабат билан бозор ислохотларини чуқурлаштириш илчил давом эттириш лозим. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошириш; экспортга товар ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулот етказиб бериувчилар учун қўлай шароитлар яратиш, солиқ ва божхона қонунчилигини янада такомиллаштириш; янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали иқтисодий шариотни янада яхшилаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Иккинчи устувор йўналиш ижтимоий соҳа ислохотларидир. Зеро, «Адолат» социал-демократик партиясининг мафкурaviй неғизини ҳам ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳамкорлик гоялари ташкил этади.

Жамиятимиздаги турли-туман гуруҳларнинг тинч-тову ва ахил ҳаёт кеңириши, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни химоя қилиш; инсоний меҳр-оқибатни ҳамма нарсадан устун деб билиш; ижтимоий адолат тамойилларига изчил риоя этиш; аёллар, ёшлар, қариюрлар, ногиронлар, қўн болали оилалар, ёлғиз оналар, қаровсиз болалар, иттиҳасизлар, жазо муддатини ўтатганлар ва шу каби аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига алоҳида эътибор бериш тарафдоримиз.

Учинчи устувор йўналиш аёлларнинг жамиятдаги ро-

лини ошириш ҳисобланади. Хотин-қизлар билан ишлаш партиямизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, уларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз учун **тўртинчи устувор** йўналиш қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш масаласидир. Қишлоқда олиб борилаётган тўб ислохотларни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштириш, фермерларнинг эркин, мустақил ишлашлари учун шарт-шароитларни кенгайтириш ушбу устувор йўналишининг асосини ташкил этади.

Бешинчи устувор йўналиш сиёсий соҳани қамраб олади. Мамлакатимизда сиёсий соҳани изчил эркинлаштириш давом эттириш муҳим устувор вазифалардан бири саналади. Сиёсий соҳанинг самарадорлиги бошқа соҳалар, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг янада жадаллашувиغا олиб келиши, шубҳасиз.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш; «Адолат» – қонун устуворлигида, деган ҳаётий тамойилга тўлиқ ва қатъий амал қилинишига эришиш; жамият аъзолари онгида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, бошқа демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари ҳам биз учун долзарб аҳамиятга эгадир.

Олтинчи устувор йўналиш суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини қамраб олади. Биз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган тўб ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, бу йўлдаги сайёҳаракатларни изчил давом эттириш, суд мустақиллигига эришиш, судларни инсон ҳуқуқларининг химоясига айлантириш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш; «Адвокатура тўғрисида»ги қонунни янги тахрирда ишлаб чиқиб, халқаро ҳуқуқий меъёрларга уйғунлаштириш; аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий савиясини ошириб бориш бизнинг бу соҳадаги асосий вазифаларимиз ҳисобланади.

Еттинчи устувор йўналиш фан, таълим, маънавият ва маданият соҳаларини ўз ичига олади. Биз бу йўналишдаги ислохотларни давом эттириш тарафдоримиз. Хусусан, фундаментал фанлар тараққиётига етарли эътибор қаратиш ва қўллаб-қувватлаш; илм-фан ва таълимга хорижий ва ички инвестицияларни ҳамда янги технологияларни жалб қилиш биз учун ўта муҳимдир.

Саккизинчи устувор йўналиш ташқи сиёсат масалаларини ўз ичига олади. Биз тинчликсевар, Ўзбекистон миллий манфаатларига мос келувчи ташқи сиёсат олиб бориш тарафдоримиз. Мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини янада кўтартиш, республикамиз ичида ва ташқарисида мавжуд бўлган деструктив қучларга ҳамда халқаро терроризм, наркобизнес, ахборот ҳужуралига қарши аёвсиз кураш олиб бориш ҳам бизнинг устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Азиз дўстлар! Меҳнат жамоаларида, маҳалларда, талабалар ауди-торияларида фуқаролар билан ўтказилаётган суҳбатлар, мулоқотларда партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини, биз ўтказаятган сиёсий шариотни ва мазму-минини, Президент сайлови жамиятимизда нийҳатда муҳимлигини, 23 декабр кўни унда фаол қатнашиш зарурлигини кенг ва асосли тушунириб берайлик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси мамлакат ҳар бир фуқаросининг жамиятимизнинг ислохот қилишдаги иштирокчи фаоллаштиришининг умумхалқ мактабидир. Сиёсий партия учун эса, бу қўлғў тадбир ўз тарафдорлари манфаатларини химоялаш маҳоратини, ўз имкониятларини ва одамлар ишончини қозонишга бўлган интилишини яна бир намойиш этиши имкониятидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юксак сиёсий ва ташкилий ушшоққилик билан ўтказиш «Адолат» партияси олдидаги энг муҳим вазифадир. Барчангизни мазкур сайловни ўтказишда фаол иштирок этасиз, деб умид қиламиз.

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ДАХЛДОРЛИК



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг IV Курултойи тўғрисида ахборот

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Худойер Маматов Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Дилором Тошмухамедованинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзоднинг иштирок этишини маъқуллаган ҳолда, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмухамедова номзодини кўрсатиш тақлиф қилди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Курултой қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа эканлигини, унда иштирок этиш Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси учун жиддий сиёсий мактаб вазифасини ўташини таъкидлаш баробарида, партиянинг Президент сайловида ўз номзоди билан қатнашишини яқдил қўллаб-қувват-

лашди. Курултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзоднинг иштирок этишини маъқуллаган ҳолда

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ИФОДАСИ

Жамиятда аҳолининг муайян қисмини ўз атрофида бириктирган сиёсий партияларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритаётгани, уларнинг жамиятдаги роли ва ўрни тобора кучайиб, мавқеи мустақамлашиб бораётганини ўзбекистонда демократик қадриятлар янада барқарорлаштираётганидан далолат бериб турибди. Уларнинг сайловларда иштироки, Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгалиги ҳам бу фикрнинг исботидир.

“Адолат” социал-демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган IV Курултойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод кўрсатиш масаласи қизгин муҳокама қилинган мамлакатимиз демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил одимлаётганини яна бир бор намоён этиди. Қуйида сизнинг эътиборингизга ана шу Курултой иштирокчилари — делегатларнинг дил сўзларини ҳавола этмоқдамиз.

Худойёр МАМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Курултой делегати:

— Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда бўлгани каби сиёсий соҳада ҳам самарали ислохотлар амалга оширилди. Сиёсий партиялар учун яратилган ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий шароит тўғрисида кўпқатталиқ шаклланди ва бугун ўзининг ривожланиш босқичида тарққий этиб бормоқда.

Сайловга оид халқаро стандартларга, ривожланган ҳуқуқий демократик давлатларнинг илгор тажрибасига, миллий давлатчилигимизнинг бой тарихий тажрибасига ҳамда аъёнларимизга мос ҳолда қабул қилинган сайловга оид қонунлар мамлакатимизда муқобиллик асосида демократик, очиқ ва ошқора сайловлар ўтказиш имкониятини яратди. Бу таъриф маҳаллий мутахассисларимиздан ташқари, нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий демократик давлатларнинг вакиллари — дипломатлар, олимлар, мутахассислар ва халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этиб келинаётганлиги бунинг исботидир.

Хозир мамлакатимизда улкан сиёсий тадбир, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси низоҳатда қизиб турган эди. Жорий йилнинг 28 сентябрь кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг Пленумида партияимизнинг ушбу сайловда иштирок этиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан бўлажак номзод сифатида партия раҳбари Дилором Тошмухамедованинг номзодини тасвир этиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Шундан сўнг бўлиб ўтган партия ҳудудий ташкилотларининг Пленумларида ҳам мазкур қарор барча сафдошларимиз томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Бугунги Курултойда партиядошларимиз 12 йилдан буюн мамлакат сиёсий майдонида фаолият юритиб, ўз гояларини, дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиб, халқимиз муайян қатламнинг сиёсий иродасини, манфаатларини ифода этиб келаётган, ўз электроратига, сайловчиларига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак сайловдаги иштирокини қўллаб-қувватлайман.

Партиянинг ушбу сайловда иштирок этиши унга ишонч билдирган аъзолар ва сай-

ловчиларнинг манфаатини ифода этади ва келгусида ҳам уларнинг мазкур партия сафларида янада жипслашувига олиб келади. Сайловлар даврида олиб бориладиган турли сиёсий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари орқали мамлакатимиз



аҳолиси, хусусан, сайловчиларимиз ва электроратимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга эришамиз.

Уйлайманки, партиядошларимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайловга оид қонунларига амал қилган ҳолда ушбу сайловда фаол иштирок этадилар.

Абдулла АБДУНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Курултой делегати:

— Мамлакатимизда истиклолнинг дастлабки йилларидан амалга оширилган ислохотлар, юртимизда тинчлик ва оқойишга ташвиқот қилиш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек хайрли мақсад сари йўналтирилди. Бу кутилганидан ҳам яхши самара бериб, фуқароларнинг дунёқараши тубдан ўзгарди. Айниқса, сиёсий партияларга кенг қўламини ижтимоий-сиёсий фаолият юритиш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан қулай шароитлар яратиб берилдики, бу мамлакатимизда сиёсий партияларнинг шаклланиши, аҳолининг барча қатламлари орасига ўз гоя ва қарашлари билан қўриб боришлари мустақам замин яратди.

Шунингдек, кўппартиявийлик тизимига асосланган жаҳон стандартларига ўла жавоб берадиган сайлов тизими яратилгани сиёсий партиялар фаолиятини яна-

да жонлантирди.

Жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида “Адолат” СДПнинг иштироки биз учун низоҳатда масъулиятли палла бўлиш билан бирга, ҳақиқий синов мактаби вазирифасини ўтади. Албатта, Курултойда сайлов кампаниясини қандай ўтказиш, асосий эътиборни нимага қаратиш лозимлиги хусусида келишиб олдик.

Дилбар РАЗЗОКОВА,
Навий вилоят партия Кенгаши Хотин-қизлар Кенгаши аъзоси,
Курултой делегати:

— Партия Курултойдан жуда катта таассуротлар би-

Хайитмурод РАҲИМОВ,
Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати,
Курултой делегати:

— Мен Курултойда иштирок этиб, партияимизнинг жамиятдаги ўрни мустақамлашиб, аъзолари сони йилдан-йилга ошиб бораётганига амин бўлдим. Партияимиз нафақат шаҳарларда, балки юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам фаолият олиб бориб, аҳолининг сиёсий онгини ва турмуш даражасини оширишга, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, жамиятимизда ижтимоий адолат тўла қарор топишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир.

СЎЗ — КУРУЛТОЙ ДЕЛЕГАТЛАРИГА



янада фаолроқ, ташаббускор бўлишга ўргатди.

Қолаверса, биз, етакчилар жойларда давлат идоралари ходимлари, нодавлат ташкилотлар вакиллари билан кўришда тез-тез учрашувлар ташкил этаймиз. Турли хил фикр-мулоҳазалар ўртага ташланганда, баҳс-мунозараларга бой тадбирлар иштирокчиларнинг жамият ҳаётида кечатган жараёнларга қизиқиши ортисига омил сабаб бўлаётир. Натижада нафақат сифатимиз ёши, иқтидорли йигит-қизлар билан кенгаймодда, балки ўзаро ҳамфикрлик, ҳамкорлик алоқаларимиз янада мустақамланмоқда.

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш босқичи босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бундай жамиятни эса фуқаролик институтларисиз, хусусан, сиёсий партияларсиз фаол иштирокисиз, яъни, аҳолининг турли қатламлари манфаатини ифодалайдиган сиёсий партияларсиз шакллантириб бўлмайди. Айни пайтда қизиб кечатган мана шу жараёнда бевосита иштирок этаётганимдан мамнунман.

Хайрулло МҲМИНОВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
Курултой делегати:

— Айни пайтда улкан сиёсий воқеа арафасида турибмиз. Бу жорий йилнинг 23 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидир. Албатта, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сайлов жамиятдаги хилма-хил фикрлар, фуқароларнинг ҳоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий қайфиятларини аққол намойиш этадиган жараён. Бу жараёнда партияимиз аъзоларини янада жипслаштириб, фаоллик кўрсатаётганини мени беҳад қувватлади.

Ишчанлик ва ташаббускорлик руҳида ўтган анжуман бизни янги зафарлар сари илҳомлантирди.

Боймурод НАЖМИДИНОВ,
Булунгур туман партия Кенгаши котиби,
Курултой делегати:

— Курултойда “Адолат” СДПнинг ўтган йиллар мобайнида эришган ютуқлари эътироф этилди, йўл қўйилган айрим камчиликлар рўй-роост айтиб ўтилди. Уйлайман-

ки, ҳар бир партия аъзоси Курултойда уқтирилган камчиликлардан тегишли ҳулосалар чиқариб, уларни тақрирлар маслиҳат ҳамда халқ орасига кириб боришга интилишлари лозим. Бунинг учун, аввало, бошланғич партия ташкилотларининг жонқуярлик билан ишлашларига тўғри келади.

Булунгур туманида “Адолат” социал-демократик партиясининг 5700 нафар аъзоси ва 104 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этишмоқда. Айниқса, фаолларимиз сиёсий онги шаклланиб келаётган ёшларга истиқлол йилларида ўз берган ўзгаришлар, юртимизни барқарор ривожлантириш учун олиб борилган ишларни кенгроқ тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Зеро, Президентимиз айтганларидек, ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаолигини ошириш, аҳолининг сайлов жараёнида хохиш-иродасини ифода-лаш, марказда ва жойларда давлат органларининг муҳим таъсир ўтказувчи вазифасига айланиши лозим.

Мухтор ЭШБЕКОВ,
Жиззах шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби,
Курултой делегати:

— Кейинги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари фаолияти тубдан ўзгарганлигига алоҳида эътибор қаратишни истардим. Бу ижобий ҳол қабул қилинаётган қонунларнинг янада мукаммаллашувида ўз аксини топтоқда. Айни пайтда, мазкур жараён давлат қурилиши соҳасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсири ошадигани намойиш этади. Шу билан бирга, бугун замоннинг ўзи сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари фаолиятини янада такомиллаштиришни, бор куч ва имкониятларни олижаноб гоя — Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровончилигини таъминлашга йўналтиришни энг муҳим ва долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

СОЛНОМА

КУРУЛТОЙДАН КУРУЛТОЙГАЧА

2006 йил 4 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг VI Пленуми бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси билан қўрилган Конституциявий қонун лойиҳалари аҳамияти муҳокама қилинди ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолиятини кучайтириш ва янгилаш юзасидан ҳаракат концепциясини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланди.

2006 йил 18 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси “Адолат” СДП фракцияси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг босари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Имомовнинг Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фа-

ри аҳамияти муҳокама қилинди ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолиятини кучайтириш ва янгилаш юзасидан ҳаракат концепциясини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланди.

2007 йил 2 МАРТ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг роли ва обрўсини ошириш

масалалари” мавзусидаги семинар бўлиб ўтди. Семинарда партиянинг социал-демократия гоясидан келиб чиқиб, “Адолат” СДПнинг мафқуравий йўналишини белгилаш ва келажакда унинг мавқеини мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2007 йил 7 АПРЕЛЬ

Тошкент шаҳридаги “Le Grand Plaza” меҳмонхонасида “Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг партиявий фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндашуви янгилаш — давр талаби” мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда партия Сиёсий Кенгаши ва фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари котиблари, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ходимлари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этиди.

Семинар-кенгашда “Давлат бошқарувини

янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан “Адолат” СДПнинг давлат ва жамият қурилишидаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириш бўйича ҳудудий партия ташкилотларининг амалий вазифалари ва вилоят халқ депутатлари Кенгашларидаги партиявий гуруҳларга тегишли вазифалар батафсил муҳокама этилди.

2007 йил 13 АПРЕЛЬ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси билан биргаликда “Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ошириш омилла-

ри” мавзусида семинар ташкил этилди. Семинарда кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга ва ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ бир қатор масалалар муҳокама этилди.

2007 йил 18 МАЙ

Пойтахтимиздаги “Малика” меҳмонхонасида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар фаолиятини ошириш стратегияси: ижтимоий-сиёсий фаолият, иқтисодий эркинлик ва лидерлик қобилиятини шакллантириш масалалари” мавзусида семинар-кенгаш ташкил этилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар партия

ташкilotларининг Хотин-қизлар Кенгашлари раислари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси, АТБ “Микрокредитбанк”, “Сабр” ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази вакиллари иштирок этган семинарда аёлларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий фаолиятини ошириш юзасидан ҳал этилиши керак бўлган муаммоларга асосий эътибор қаратилди ва уларни ҳал этиш чора-тадбирлари белгилан олди.

2007 йил 1 ИЮНЬ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши фаоллари 1 июнь — Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан Бўка туманидаги 15-сон Мехрибонлик уйига таш-

риф буюрди. Унда бола-жонлар учун байрамона тадбир ташкил қилиниб, уларга “Адолат” сўзи туширилган футболкалар, турли мавзудаги китоб ва қўлланмалар топширилди.

2007 йил 14 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг VII Пленуми бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўша мажлисидаги “Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли” мавзусидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган партия

нинг долзарб вазифалари тўғрисида сўз борди. Шунингдек, Пленум сўнггида мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятларнинг мазмун-моҳиятини барча фуқаролар, хусусан, партия электрорати ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда муҳокамага қўйилган “Адолат” СДПнинг фаолиятини кучайтириш ва янгилаш Концепциясини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2007 йил 28 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг навбатдаги VIII Пленуми бўлиб ўтди.

Унда “Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда иштироки тўғрисида”ги масала муҳокама этилиб, сайловда партия томонидан кўрсатилган бўлажак номзод ва партиянинг IV Курултойини қақшириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Қизгин мунозаралар руҳида ўтган йилгида Сиёсий Кенгаш аъзолари сайловлар мамлакатдаги де-

мократия тараққиёти даражасини белгилувчи мезон эканлигини англаган ҳолда “Адолат” СДП Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда иштирок этишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Шунингдек, Пленумда партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни тасдиқлаш ва ушбу сайловда партиянинг иштироки билан боғлиқ масалаларни қўриб чиқиш учун навбатдаги IV Курултойни қақшириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ



Бугунги юртдошимизни ўн-ўн беш йил бурунги фуқаро билан қиёслаб бўлмайди. Бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўзининг ҳақ-ҳуқуқини яхши билади. Айни пайтда, мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта партия гояларининг қайси бири унинг дунёқарашига ва орзу-истакларига ҳамроҳ бўлса, ўша партияга аъзоликка ўтаётир. Бир замонлардагидек, “урра-урра” ёки бирор-бир илинж баҳонасида партия аъзолигига ўтадиган пайтлар ўтмишга айланди. Бу, албатта, истиқлол берган имкониятдир.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг IV Курултойида сўзга чиққан партиядошларимнинг маърузаларини тинглаб, ҳаёлимдан кўп фикрлар кечди. Ким эдигу ким бўлди! Ўз фикримиз, ўз сўзимизни минбарда туриб рўй-роост айтишга имкон берган истиқлолга тасаннолар айтдим. Илоҳим, истиқлолимиз, истиқболимиз абадий бўлсин!

Ўз сафларида бир неча минглаб ҳамфикр инсонларни бириктирган “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирлар, семинарлар ва ўрашувларда мамлакатимизда давом этаётган кенг қамровли ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишлар хусусида тарғибот ишларини олиб бораётганимиз. Алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилда ҳудудий партия ташкилоти фаолияти олдинги йилларга нис-

батан анча такомиллашди, ўтказилаётган тадбирлар ҳам мазмунан, ҳам ташкилий жиҳатдан яхши йўлга қўйилди. Фуқароларнинг ҳар бир мурожаатига имкон қадар амалий ёрдам беришга ҳаракат қилаёямиз. Ўтган йили жами 50 дан ортиқ тадбир ўтказган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида қирққа яқин ўрашув уюштириб, уларда партияимиздан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг иштироки таъминланди ва фуқароларни қўйиб келаётган муаммоларнинг ҳал этилишига эришдик.

Дарҳақиқат, бўлиб ўтган Курултойда демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шаклланти-

риш йўлида яна бир дадил қадам қўйдиқ — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод кўрсатдик.

Юрт тараққиётида ҳар жиҳатдан муҳим сиёсий жараён саналувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини сиёсий партиялар зиммасига жуда катта масъулият қўйилди. Курултойдан ўзимиз учун керакли ҳулосалар чиқариб, делегатлар билан келишган ҳолда сайлов кампаниясида фаол иштирок этишни дилга тугиб олдик.

Дарибай ДОШЕВОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши биринчи котиби

Н. ХАЙДАРОВ
олган суратлар.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ КЎП

Мамлакат хотин-қизлари «Адолат» социал-демократик партияси таянадиган энг муҳим ижтимоий қатламлардан бири ҳисобланади. Партия хотин-қизлар сиёсий фаолиятини ошириш жамият тараққиётига хизмат қилади, деб билади. Бу жиҳатини айни пайтда Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган аъзоларимиз сонидан ҳам кўриш мумкин. Воҳада партия аъзоларининг қарийб 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Ҳозир мамлакатимизда ижтимоий жараёнларни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни бозор муносабатлари асосида барқарор иқтисодий ривожлантиришга доир чора-тадбирлар режалари равишда босқичма-босқич амалга оширилаётган. Бу эса, ўз навбатида, партия фаолиятини давр суръатига монанд тарзда жаддаллаштиришни тақозо этади. Тан олишимиз керак, 2005 йилгача сиёсий жабҳадаги ишларимиз ун-

чалик кўзга ташланмаётган эди. Ҳозирга келиб вазият тубдан яхшиланмоқда. Айни пайтда вилоятимизнинг барча туманларида партия ташкилотлари ишлаб турибди. Шунинг ўзидек партиянинг мақсад ва режалари аҳолида қизиқиш ва эътибор уйғотганини кўрсатади.

Биз ўтган давр мобайнида адлия, соғлиқни сақлаш, прокуратура ходимлари иштирокида кўплаб тадбирлар ташкил қилдик. Буклетлар чиқарилиб,

аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилди. Бу эса, фуқароларнинг партия фаолият дастури билан яқиндан танишишларига имконият туғдирди. Вилоят Кенгаши томонидан олиб борилган сайёҳ-харакатлар натижасида аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга эришилди, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, ҳуқуқий саводхонлиқни оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши лозимлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар сиёсий партиялар фаолият майдонини кенгайтирди, уларнинг нуфузини бир поғона кўтарди. Натижа-

да фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолиятига қизиқишлари ҳам янада кучайди. Шу муносабат билан қонунлар ижроси қай даражада таъминланаётганини аниқлаш мақсадида фаолларимиз аҳолининг турли қатламлари билан мунтазам ошқора мулоқотларга киришиб келишмоқда.

Мисол учун, «Фуқаролар муносабатлари тўғрисида»ги қонунда ҳар бир фуқаронинг давлат ва бошқа жамоат ташкилотларга муносабат қилиш механизмлари ишлаб чиқилган. Аммо, тан олиб айтиш кераки, ундан нафақат уй бекалари, ҳатто ишлайдиган аёлларнинг ҳам барчаси хабардор, деб айта олмаёмиз. Яқинда аҳолининг талаб ва истаклари асосида мутахассислар иштирокида айнан шу мавзуга

бағишлаб тадбир ўтказдик. Қизгин, мунозара-ларга бой бўлган бу учрашув кўпчиликларида таассурот қолдирди. Муҳими, бундай мулоқотлардан сўнг аҳолининг муносабатлари аътибор ҳам анча жонланиб қолди.

Албатта, ҳамкорликда хикмат кўп. Келгусида шаҳар ва туманлар партия ташкилотларининг аҳоли билан янада яқинроқ алоқа бўлиши, партия аъзоларининг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирларни, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатлари билан ишлашни янада кучайтиришимиз зарур.

Шоҳида ЖУМАЕВА,
Сурхондарё вилоят партия
Кенгаши котиби,
Қурултой делегати

ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛОҲИЯТИ - ЖАМИЯТНИНГ ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧИ

Ҳар қандай жамиятнинг асосий «кўзгу-си» — бу, хотин-қизлардир. Чунки ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиқ даражаси, оилалар барқарорлиги, келажақ авлод — фарзандлар тарбияси, маънавият ва маданият, маърифат, кўйингки, барча жабҳаларда эришилган ютуқлар ушбу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиған ҳиссаси ва ўша жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Жамият тараққиётининг қудратли омили сифатида юртимизда салмоқли ўрнини эгаллаб келаётган хотин-қизларнинг мавқеи ва салоҳияти истиклол йилларида сезиларли даражада ортиб бораётган. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этадиган хотин-қизларнинг ҳаётда муносиб ўринларини эгаллаш, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислохотларда уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими шундаки, бу жараёнда, аввало, ажодларимизга хос бўлган жиҳат — аёлларнинг оналик ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Бу иккала вазифани бажаришда аёлнинг жамиятдаги мавқеи, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминланганлиги, ижтимоий муҳофазаси, маънавий-маърифий етуқлиги, сиёсий саводхонлиги, интеллектуал салоҳияти даражаси бекиёс аҳамиятга мولқидир.

Ҳозирги шиддатли ва серташвиш замонда бутун жаҳон ҳамжамияти халқро терроризм, гитхавандлик, диний экстремизм, фундаментализм, турли кўринишдаги экологик фожеалар каби қатор муаммоларга дуч келаётганлиги сир эмас. Бу муаммоларга хотин-қизларнинг нима тегишли жойи бор, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Жавоб: бево-сита тегишли жойи бори! Чунки, ушбу муаммолар ечимини оқилона ҳал этиш келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшларда қандай дунёвий қўниқмаларни, маънавий-ахлоқий қадриятларни, дунёқара-ш ва билимни шакллантиришимизга боғлиқдир. Бундай вазифаларни бажаришда эса, сиёсий партиялар, айниқса, улар сафидаги хотин-қизларнинг фаоли-лиги талаб қилинади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз фаоли-тида хотин-қизларга мамлакат ривож-ида салмоқли қўнлардан бири сифати-да қараб келмоқда ва бу ҳақда партия Фаолият Дастурида аёлларнинг жами-ятдаги ролини ошириш борасидаги ма-саладар аниқ белгиланган.

Юртимиз аёллари мавқеини, улар-нинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оши-риш ва жамият тараққиётидаги ро-лини кучайтириш мақсадида партиями-з томонидан қўйидаги масалаларга ало-ҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

— истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган ислохотлар, айниқ-са, оналик ва боалиқни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг мавқеини, уларнинг жамият ва давлат қўрилиш-идаги роли, иштирокини ошириш, ёш оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган сайё-харакатлар ҳақида таълим масканла-рида, қорхона ва ташкилотларда мун-



тазам равишда кенг қамровли тарғи-бот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

— Партия сафида аёллар сонини кўпайтириш чораларини кўриш, илғор фикрли хотин-қизларни кўпроқ жалб этиш, бунинг учун жойлардаги бошлан-ғич ташкилотлар хотин-қизлар кенгаш-лари фаолиятини тубдан яхшилаш;

— хотин-қизларнинг умумий савияси-ни, интеллектуал онгини ошириш учун тегишли ҳудудлардаги таълим маскан-лари билан партия хотин-қизлар кен-гашларининг ҳамкорликдаги мақсадли фаолиятини йўлга қўйиш;

— салоҳиятли, идоркли ва етакчилик қобилияти ривожланган фаол хотин-қиз-ларни раҳбарлик ишларига кўпроқ жалб қилишга эришиш;

— хотин-қизлар орасида уларнинг иж-тимоий-сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашадиган тадбирларни мунтазам равишда бутун республика ҳудудида олиб бориш;

— қайд этиб ўтилган чора-тадбирлар-ни бажаришда фидоийлик кўрсатган хо-тин-қизлар фаолларини имкон даража-сида рағбатлантиришни йўлга қўйиш.

Хотин-қизларга бўлган эътибор бу, ўз-ўзидан ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида хотин-қизлар ишти-роки салмоғининг ортишига олиб кели-ди. Зеро, ҳар томонлама фаол ва оқила аёл меҳнатидан бутун жамият манфа-атдор эканлиги чин ҳақиқатдир. Сиё-сий партияларнинг номилири, Дастур ва масалага ёндашишлари турлича бўлган-лигидан қатъи назар, уларнинг мушта-раклигини таъминлайдиган умумий жи-ҳат — мамлакатимиз мустақиллигини му-стаҳкамлашдан иборат. Шу боис, биз аёлларни сиёсий партиялар сафига қан-чалик кўп жалб қилсак, уларни ижтимо-ий-сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга муяссар бўлсак, юрт ривож, истиқбо-ли учун шунчалик ҳисса қўшган бўла-миз.

Зухра БОТИРОВА,
Олий Махлос Кўнунчилиги
палатаси депутати,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши Хотин-қизлар
Кенгаши раиси

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ДАҲЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

Мустақил тараққиётимиз-нинг ўтган ўн олти йили да-вомидида мамлакат қонунчи-лик базасини мустаҳкамла-ш, инсон ҳуқуқ ва эркин-ликларини кафолатлаш, жа-миятни ҳар томонлама ли-бераллаштириш, давлат қурилишини демократлаш-тириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширил-ди.

Давлатимиз раҳбари то-монидан қонунчилик ташаб-буси билан Ўзбекистон Рес-публикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун тақдим этилган лойиҳалар асосида қабул қилинган «Давлат бо-шқарувини янгилаш ва яна-да демократлаштириш ҳам-да мамлакатни модер-низация қилишда сиёсий партияларнинг ролини ку-чайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни ҳамда «Ўзбекистон Респу-бликаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддаси-нинг иккинчи қисмига) ту-затишлар киритиш тўғриси-да»ги Қонуни эркин фуқа-ролик жамиятини шакл-лантиришнинг муҳим бос-қичи бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бу қонунлар ўзбек давлатчи-лигининг тарихий аъна-ларига, замонавий давлат-чилик ва парламентаризм борасида тўпланган тажри-баларга, ривожланган дав-латлар амалиётига тўлиқ мос келади.

Ушбу қонунларнинг мақ-сади сиёсий партиялар ро-лини оширишга, янгидан шакллантирилган ҳукума-тининг тугган йўли (курс) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўйилмайд-иган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухо-лифат деб эълон қилиши мумкинлигини эътироф этишга, парламентдаги му-холифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томо-нидан камситилиши учун

йўл қўйилмаслигига, ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши-га, бир сўз билан айтганда парламентда сиёсий партияларнинг фаоллигини оши-ришга, сиёсий тизимдаги барқарорлиқни таъминлаш-га қаратилган.

Конституциявий қонунда мухолифатдаги партиялар-га қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасида тўлиқ қатна-ш ва муқобил қонун ло-йиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқларининг берилганли-ги ҳам жуда муҳимдир.

Қонунчиликка бундай нормаларнинг киритилиши-дан кўзланган мақсад, ав-вало, парламентда сиёсий партиялар ва шу партиялар фракцияларининг парла-мент ишига яқиндан кири-шиши, масъулиятини оши-риши, ташаббускорлигини кучайтириши, улар орқали сайловчиларнинг ҳукумат фаолияти устидан назора-тини кенгайтириши, фуқа-роларнинг сиёсий фаолли-гининг ўсиши учун хизмат қилишига қаратилган.

Айни кунларда бўлиб ўта-ётган сиёсий партияларнинг қурултойлари кун тартиби-дан Ўзбекистон Республи-каси Президентлигига ном-зодлар кўрсатиш масаласи ҳам ўрин олмақда. Бу, ал-батта, фуқароларнинг сиё-сий партиялар орқали дав-лат ишларини бошқаришда-ги бевосита ва билвосита иштирокини таъминлашнинг амалдаги исботидир.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбе-кистон «Адолат» социал-де-мократик партиясининг IV қурултойи ҳам ана шундай муҳим сиёсий масалани му-ҳокама қилди ва партия фа-оллари орасидан Ўзбеки-стон Республикаси Прези-дентлигига номзод кўрсат-ди. Бу мамлакатимизда фу-қаролар сиёсий ҳуқуқлари даҳлсизлиги конституция-вий кафолатнинг эркин на-мунасидир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи,
Қурултой иштирокчиси



«Адолат» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

— Кимлар Ўзбекистон Рес-публикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга?

Нилуфар ШАЙМОНОВА

Сурхондарё вилояти — «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига асо-сан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида 15 на-фарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампа-ниясини ўтказишда ёрдам бера-дилар, уни Ўзбекистон Республи-касининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўла-диган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Прези-дентлигига номзоднинг тақдимно-масига кўра ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Марка-зий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Марказий сайлов комис-сияси уларга тегишли гувоҳнома-лар беради.

— Сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Прези-дентлигига номзод кўрсатиш учун камиди уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши лозим.

— Ўзбекистон Республикаси Президентиликка кўрсатилган номзоднинг ишончли вакилла-ри неча кишидан иборат бўли-ши лозим ва улар нима вази-

фаларни бажаради?

Сарвар ЖУМАЕВ

Қашқадарё вилояти

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-

ги Қонуннинг 29-моддасига асо-сан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида 15 на-фарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампа-ниясини ўтказишда ёрдам бера-дилар, уни Ўзбекистон Республи-касининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўла-диган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Прези-дентлигига номзоднинг тақдимно-масига кўра ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Марка-зий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Марказий сайлов комис-сияси уларга тегишли гувоҳнома-лар беради.

— Сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Прези-дентлигига номзод кўрсатиш учун камиди уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши лозим.

— Сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Прези-дентлигига кўрсатилган ном-зодни кўллаб-қувватлайдиган неча нафар фуқаронинг имзо-

сини йиғиши керак? Ва тўплан-ган имзолар ҳақиқийлиги қай тартибда кўриб чиқилади?

Ҳайдар ИНОФОНОВ

Андижон вилояти

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-

ги Қонуннинг 24-моддасига кўрсатилишича, сиёсий партия то-монидан тақдим этилган имзо ва-рақалари Ўзбекистон Республика-си жами сайловчиларининг умум-ий сони камиди беш фоизининг, камиди саккизта маъмурий-худо-дий тузилма намоёнчилиси бўлган сайловчиларнинг имзосини кам-раб олган бўлиши керак. Маъму-рий-худоий тузилмалардан бири-ди (Қорақалпоғистон Республика-си, вилоят, Тошкент шаҳри) сиё-сий партия имзолар умумий миқ-дорининг кўпи билан саккиз фои-зини тўплаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентиликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи республика сайловчилари умумий сонининг камиди беш фоизи миқ-дорига, камиди саккизта маъму-рий-худоий тузилма (Қорақалпо-ғистон Республикаси, вилоят, Тош-кент шаҳри) намоёнчилиси бўлган сайловчилардан номзодни кўллаб-

қувватловчи имзо тўплаши талаб этилади. Маъмурий-худоий ту-зилмалардан бирида (Қорақалпо-ғистон Республикаси, вилоят, Тош-кент шаҳри) сайловчилар ташаб-бускор гуруҳи имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилаётган маъмурий-худоий тузилма сайловчилари-нинг имзосини тўплаши лозим.

Сиёсий партия, сайловчилар та-шаббускор гуруҳи уларнинг вако-латли вакилига рўйхатга олинган кейингида Ўзбекистон Республи-каси Президентлигига номзодни кўллаб-қувватлаш юзасидан сай-ловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Имзо тўплаш таомлангани-дан сўнг сиёсий партиянинг, сай-ловчилар ташаббускор гуруҳи-нинг ваколатли вакили Қорақал-поғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйи-ча алоҳида-алоҳида қилиб тикил-ган имзо варақаларини Марка-зий сайлов комиссиясига топ-ширади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кун ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиядан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан улар кўрсатган номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар қабул қилишни рад этади.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этил-ган ҳужжатларда аниқланган но-мувофиқликлар ва қонун талаб-ларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партия-ларнинг раҳбарларига, сайлов-чилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига белгиланган тартибда маълум қилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Прези-дентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхта-тади.

Б.ТОШНАЗАРОВ тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони 16 ноябрь кунин чоп этилади.

ADOLAT

ИЖТимоий-СИёсий ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИёсий КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турсунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир ХУЖАБЕРДИЕВ,
Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 0018 рақами
билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86;
котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида

саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш факт таҳририят
руҳсати билан амалга оширилди.
t — Тижорат мақодалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи — Б.ТОШНАЗАРОВ
Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ